



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 18 август, шанба • №66 (11.557) • Эркин нарҳда сотилади

ҚИРҒИЗИСТОН ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан 15 август куни Қирғизистон Республикаси Бош вазири Николай Танаев раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов раҳбарлигидаги делегация билан бўлиб ўтган музокарада икки мамлакат уртасида давлат чегараларининг делимитацияси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Томонлар бу борада келгусида амалга ошириладиган ишларни ташкил этиш борасида фикр алмашди.

Икки давлат уртасидаги чегара узунлиги 1200 километр масофани ташкил қилади. Ҳозирги пайтгача унинг асосий қисми белгиланган ва расмийлаштирилган.

Музокарада икки мамлакат уртасидаги давлат чегараларини делимитация қилиш ишларини ниҳоясига етказиш борасидаги зарур чоралар белгилаб олинди. Шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикрлашилди.

Музокара якунида икки мамлакат ҳукумат делегациялари раҳбарлари муҳокама этилган масалалар юзасидан якуний протоколга имзо чекди.

Ў.А.

Қамчиқ довоғи: КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

Буюк Ипак йўли қадим ўтмишида Шарк билан Фарби, демакки, ўнлаб мамлакатларни, элу элатларни бир-бирига боғлаган, улар ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо-сотик ва маданий алоқаларнинг мустақамланишига хизмат қилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Осиё ва Европа халқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш ва у орқали нафақат яқин қўшнилар, балки, олис хорижий давлатлар билан ҳам ҳар соҳада ўзаро манфаатли амалий алоқаларни ривожлантиришга жиддий киришилди.

(Давоми 3-бетда).



ВАТАН МУҚАДДАС

Мустақиллигимизнинг ўн икки йиллигига бағишлаб Бўстонлик туманидаги қатор болалар дам олиш оромгоҳларида вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази ташаббуси билан ўтказилган тадбирларда бола маънавияти, уни тарбиялаш тамойиллари ҳақида сўз борди.

Бола маънавиятининг ривожини нималарда кўриш мумкин?

Маънавият гўдақда аввало онага, Ватанга, заррин туپроққа, ундаги ҳар бир гуёҳга интилган қўлларни, термулган кўзларида намоён бўлади. Уни илғаш, тўғри йўлга солиш биз катталарнинг бурчимиздир.

«Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» мавзусидаги тадбир «Сойлиқ», «Гўзал» оромгоҳларида юқори савияда ўтди. Унда «Бугунги кун боласи: қачон, қаерда, нима билан банд?», «Болаларда она-Ватанга муҳаббат ҳисларини шакллантиришда маънавий тарбиянинг аҳамияти» каби мавзуларда эркин суҳбатлар уюштирилди. Болаларнинг Ватан, унга муҳаббат, халққа садоқат каби олий тушунчалар ҳақидаги саволлари барчани тўлқинлантириб юборди. Ҳа, бу эртанинг болалари, юртимиз келажаги, уларнинг маънавий баркамоллигини таъминлаш эса, биз учун фарз ва қарзидир.

Гўзал СОЛИЖОНОВА.

БУГУН — УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Халқимизнинг шундай удумлари, маросимлари, байрамлари борки, уларда бутун миллатимизнинг қадди-басти, камолини орзу-умидлари акс этади. Мана она диёримиз эркинликка, хурликка эришганига ҳам ўн икки йил тўляпти. Саноқли кунлардан кейин бутун мамлакатимиз бўйлаб Мустақиллик кун байрамлари авж олади.

Мана шу байрамимизнинг кўтаринки руҳда ўтиши, унга қизгин ва пухта тайёргарлик кўриш ҳамда вилоятда санитария-эпидемиологик аҳволни яхшилаш, маҳаллалар, мавзелар ва аҳоли гавжум жойларни ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бугун республикамиздаги каби вилоятимизда ҳам 16 август кунини ўтказилаётган умумхалқ ҳашари ана шу ютуқларимизнинг давомидир. Унда фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари, уй-жой мулкдорлари ширкат-

лари, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари шунингдек, вилоятнинг барча аҳолиси иштирок этади.

Энг муҳими, ушбу ҳашардан тушган маблағлар маҳаллаларни ободонлаштириш, унинг инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламни моддий қўллаб-қувватлашга, жойларда оммавий спорт турларини ривожлантириш ҳамда «Маҳалла» жамғармаси низомидидаги вазифаларни бажариш учун сарфланади.

Ҳашар муносабати билан ўтказиладиган бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ куйидаги ҳисоб рақамига туширилади:

Ҳ/р: 20212000900132942001,
МФО — 00454, ИНН: 200548395.
«Пахтабанк» вилоят бўлими, «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими.

Умумхалқ ҳашарида ҳаммамиз фаол иштирок этайлик!

Вилоят ҳокимлигида

КУН ТАРТИБИДА — МУҲИМ МАСАЛА

Тошкент вилояти ҳокимлигида наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги гуруҳ ва котибияти раҳбарлари, вилоят Ички ишлар, Адлия, Божхона, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилоят миллий хавфсизлик хизмати, наркология хизмати, суд ва прокуратура идоралари, «Дори-Дармон» акциядорлик жамияти раҳбар ва ходимлари иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда).

ҲУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Шу йил 15 август кунини вилоят ҳокимлигида Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят комиссиясининг аъзолари, назорат органлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимлари — шаҳар ва туманлар бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий комиссиялар раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими, мазкур комиссия раиси Умнат Мирзақулов бошқарди.

Йиғилишда 2003 йилнинг биринчи ярмида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш яқунлари ва бу ишни янада такомиллаштириш вазифалари юзасидан

(Давоми 2-бетда).

GOV.UZ ҳукумат Интернет портали ишга туширилди

Ўзбекистон ҳукумати порталининг янги шакли Gov.Uz ишга туширилди.

Ҳукумат порталида рус, ўзбек ва инглиз тилларида республика ҳокимият органлари тўғрисида батафсил маълумотлар ҳамда Ўзбекистон ҳақида мавзуга оид материаллар бор.

Тузилма жиҳатдан сайт куйидаги асосий бўлимлардан иборат: "Президент", "Олий Мажлис", "Ҳукумат", "Судлар ва Прокуратура", "Давлат ҳокимияти органлари", "Маҳаллий ҳокимият", "Бошқа муассасалар".

Ўзбекистон ҳақида материаллар "Аҳоли ва меҳнат ресурслари", "География", "Иқтисод", "Халқаро алоқаларнинг ривожланиши", "Инвестиция имкониятлари", "Фан ва таълим", "Террорчиликка қарши халқаро курашда иштирок", "Диққатга сазовор жойлар" бўлимларига ажратилган.

Ў.А.

ХУДУДИЙ КОМИССИЯ ЙИФИЛИШИ

вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи, комиссия раисининг ўринбосари Мирзохид Комиловнинг ахбороти тингланди. Жорий йилнинг ўтган биринчи ярми давомида текширишларнинг тартибга солинишига оид қонунчилик талаблари таъминланишига қаратилган қатор тадбирларнинг амалга оширилиши давом эттирилгани таъкидланди. Шу билан бирга айрим назорат идоралари томонидан режада кўзланган текширишларни таъминлаш маслиҳатлари белгиланган текшириш муддатларига риоя қилмаслик каби ҳолатларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди. Оққўрғон тумани бўйича назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий ко-

(Давоми. Боши 1-бетда).

миссия томонидан текширишларнинг тартибга солинишига оид қонунчилик талаблари бажарилиши йўлида амалга оширилган ишлар алоҳида кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент вилояти бўлимида текширишларнинг тартибга солинишига доир амалдаги қонунчилик талаблари бажарилиши бора-сида ҳам муайян камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

КУН ТАРТИБИДА — МУҲИМ МАСАЛА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Йиғилишни комиссия раиси, вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов бошқарди.

Унда гиёҳвандликнинг олдини олиш Ўзбекистон Республикаси наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссиясининг жорий йилнинг 6 август кундаги йиғилишида таъкидлаб ўтилган камчиликларни бартараф этиш вазифалари ҳамда 2003 йил биринчи ярим йиллиги мобайнида наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссияси томонидан олиб борилган ишларнинг аҳоли муҳокама қилинди.

Йиғилишда наркотик моддаларни назорат қилиш, гиёҳвандликнинг олдини олишни кучайтириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Тақдимот

Кун-кеча пойтахтимиздаги «Равшан» хусусий меҳмонхона-сида АКШнинг SOROS ва INTERNEWS ташкилотлари ташаббуси билан Очiq жамият институтининг «Наркома-ния. Наркотик моддалар истеъмолчини камайтириш» лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

«РАВШАН»ДА ХАЙРЛИ ТАДБИР

Унда тиббиёт ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, лойиҳа раҳбари Раҳима Назарова ва Колумбия университетига қарашли соғлиқни сақлаш мактабининг етакчи мутахассиси Ричард Елович иштирок этдилар.

Тадбирни Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар наркотик моддалар истеъмолчилари, бу офатнинг олдини олиш чоралари ҳақида ва, умуман, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида гиёҳвандликнинг ўрни, унга қарши кураш жараёнлари ҳақида сўз юритишди.

— Бизнинг асосий мақсадимиз бирлашиш, — деди Ричард Елович. — Ҳозирги кунда касаллик уч босқичда кечяпти. Биринчиси юқиши ва тарқалиши, иккинчиси ўлим ва охиригиси жамиятнинг унга бўлган муносабати. Бу муаммо нафақат ҳасталар дарди, балки, бизнинг ҳам дардимиздир. Фақат бирлигимизгина ёшларни бу иллатдан қутқаради. Шунга ўхшаш лойиҳани биз фақат Ўзбекистонда эмас, балки, Тожикистонда ҳам ўтказяпмиз.

Ў.А.

Гузэл ИСМАТУЛЛАЕВА.

«Тошкент ҳақиқати»га
жавоб берадилар

«ИШЛАР ФАҚАТ МАРКАЗДАМИ?»

Газетамизнинг 2003 йил 26 июль сониди юқоридаги сарлавҳа остида танқидий-таҳлилий мақола чоп этилган эди. Унда вилоят ҳокимининг «Вилоят маданият муассасалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг жойлардаги ижроси ҳақида фикр юритилиб, бу борада Бўка тумани марказида бир қанча ишлар қилингани ҳолда, туманининг олис қишлоқларида аҳоли яхши эмаслиги ҳусусида фикр билдирилганди.

Таҳририят мазкур мақола юзасидан вилоят маданият ишлари бошқармасидан жавоб хати олди. Унда, жумладан, шундай дейилди:

«Мазкур танқидий мақола бошқарманинг 31 июль куни бўлиб ўтган кенгашида атрофлича ўрганиб чиқилди ва унда кўтарилган фикрлар тўғри деб топилди. Ишда йўл қўйган хато ва камчиликларни, қишлоқ маданият муассасалари фаолиятини эътиборсиз қолдирганлиги учун Бўка тумани маданият ишлари бўлими З. Сайдалиевга ҳайфсан эълон қилиниб, унга ушбу мақолада қайд этилган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш ва уч ой муддат ичида уларни бартараф қилиш вазифаси юклатилди».

Хатда, шунингдек, вилоят туман ва шаҳарлари маданият ишлари бўлимлари мудирларига мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиб, уларнинг ижросини таъминлаш, қишлоқ маданият муассасаларига эътиборни кучайтириш, моддий-техника негизига эътибор бериш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, оммавий маданий-спорт тадбирларини кенг кўламда ташкил этиш, қилинган ишлар юзасидан ой мобайнида маданият бошқармасини хабардор қилиб туриш, Бўка тумани маданият ишлари бўлимига эса, бошқармага ҳамда газета таҳририятига мунтазам равишда ахборот бериб бориш топширилганлиги таъкидланган.

СЎНГИ СЎЗ ЎРНИДА: таҳририят вилоят маданият ишлари бошқармасидан олинган жавобни чоп этаркан, мазкур мақолага Бўка тумани ҳокимлиги ҳам ўз муносабатини билдиришини кутаётганини эслатиб ўтади.

КУЗГИ-ҚИШКИ ИСИТИШ МАВСУМИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Вазирлар Маҳкамасида 2003-2004 йилнинг кузги-қишқи мавсумига тайёр-гарлик ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолини иссиқлик энергияси билан таъминлаш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари, соҳа бўйича вазирлик, идоралар, корхоналар вакиллари ва мутахассислар иштирок этди.

Маълумки, жорий йилнинг 17 июнида Вазирлар Маҳкамасининг "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2003-2004 йил куз-қиш даврида ишлашга тайёрлаш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди. Қарорда кўзда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда вазирлик ва корхоналар томонидан тегишли чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Жойларда ҳудудий комиссиялар тузилди. Шаҳару туманларда ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жойлар, транспорт, савдо, маиший хизмат ва умумий овқатланиш шохобчалари, қурилиш ташкилотларида иситиш қозонлари ва муҳандислик иншоотларини 2003-2004 йилнинг кузги-қишқи мавсумига пухта тайёрлаш бора-сида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Буни куйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди: жорий йилнинг 1 августигача республика бўйича 1991 йилгача қурилган

906 турар-жой фонди, 394 иситиш қозони, 292 километр иссиқлик тармоғи, 551 мактаб, 278 болалар боғчаси, 76 касалхона ва 59 поликлиника капитал таъмирланди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирлиги тармоқларидаги муассасалар иситиш тизимининг кузги-қишқи мавсумида саз ишлашини таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Кузги-қишқи мавсумида истеъмолчиларни белгиланган лимитлар миқдоридан газ билан таъминлаш мақсадида "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси томонидан моддий, техник ва ижтимоий ресурслар сафарбар қилинмоқда. Бугунги кунга келиб газ узатувчи компрессор станциялардан 34 тасида капитал, 23 тасида жорий таъмир амалга оширилди.

Йиғилишда, шунингдек, 1991 йилгача қурилган турар-жой фондиди капитал таъмирлаш ҳамда мазут, кўмир ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб беришда муаммолар мавжудлиги таъкидланди ва уларни бартараф этишга қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Истеъмолчи

ХУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?

Хар биримиз кундалик турмушимизда ўз эҳтиёжларимизни қондириш учун бозорга тушамиз ёки жамоат транспортлари, маиший хизмат кўрсатиш, савдо-сотик уйларида мурожаат этиб, уларнинг хизматларидан фойдаланамиз, дидимизга мос харидлар қиламиз.

Уйга келгач, олган буюмларимиз ёки маҳсулотларимизни синчиклаб «текшириб» кўрамиз. Лекин қаеридир носозроқ, сифатсизроқ чиқиб қолса-чи? Ҳаддимиз сифса, ортага қайтиб, алмаштириб беришни илтимос қиламиз. Ё бўлмаса, бизни алдаган қаллобларга нисбатан турли норозилик аломатларини «изҳор» қилиб, шаштимиздан тушамиз-қоламиз-да, тинчгина кетаверамиз. Негадир шундай ҳолатларга кўникиб қолибми, ўз ҳуқуқларимиз поймол этилаётганлигига эътибор ҳам бермаймиз. Зотан, айримларимиз истеъмолчи сифатида ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни ҳам билмаймиз.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш, ҳимоя қилишга доир қатор қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, миллий қомусимизда ҳам асосий эътибор инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга қаратилди. Уларнинг барчасида инсон ҳаёти ва фаолияти учун муносиб шарт-

шароитлар яратиш кўзда тутилган. Яна шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, бу борада 26 апрель 1996 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни жорий қилинди.

Яқинда Зангиота тумани ҳокимлигида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси ҳамда туман жамияти ҳамкорлиқда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунни ўрганамиз» мавзусида ўқув машғулотли бўлиб ўтди. Семинарда туман, шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари етакчилари, маҳалла, бозор, уй-жой мулкдорлари ширкатлари вакиллари, таянч гуруҳлари аъзолари, йирик корхона, ташкилот, таълим муассасалари ходимлари, савдо, транспорт ва коммунал хизмат кўрсатиш соҳалари раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес намоёндалари ҳамда туман истеъмолчилари вакиллари иштирок этдилар.


Ўқув машғулотда туман ҳокими Акмал Исабоев, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш, Стандартлаш ва метрология, Соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари қатнашиб ахборот бердилар.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.

Этироф этиш керакки, Президентимиз Ислам Каримов буюк тарихий йўлни тиклаш, унинг муҳим бўғини ҳисобланувчи Қамчиқ дово-ни оша Фарғона водийсига чиқиладиган янги трансконтинентал йўл қурилишининг ташаббускори бўлди. Бу бежиз эмас. Зеро, Буюк Ипак йўлининг Марказий Осиё қисми асосан бизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ўтади. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 августдаги «Катта тезликда ҳаракатланувчи транспорт воситаларининг ҳаракатини таъминловчи Андижон — Тошкент — Нукус — Қўнғирот йўлини лойиҳалаш тўғрисида»ги қароридан сўнг кенг кўламдаги қурилиш ишлари жадал бошланиб кетди.

айнан вилоятимиз ҳудудининг денгиз сатҳидан 2268 метр баландлигида жойлашган. Унинг энг мураккаб қисми ҳисобланувчи 11 километр узунликдаги йўл қайта қурилади. Узунлиги 1100 ва 425 метр бўлган иккита тоғости йўли (туннел) барпо этилди. Ҳозирги кунда бу ерда йўлга замонавий усулда яъни немис технологияси асосида бетон қопламалари ётқизилмоқда. Бу ишни шу йилнинг охиригача тугаллаш режалаштирилган.

Бундан ташқари катта тезликда юрадиган транспорт воситаларининг хавф-хатарсиз ҳаракатланишларини таъминлаш мақсадида тепаликларга қор кўчишининг олдини олувчи темир-бетон тўсиқлар ўрна-



донлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам улар зиммасига юклатилган.

Йўлсозларнинг фидокоро-

да 4500 кишилиқ қурувчилар жамоаси меҳнат қилди. Улар 27 миллиард сўмлик иш бажаришди. Замонавий магистрал барпо этишди. Бундай раван йўллар мамлакатимиз тараққиётида бекиёс стратегик аҳамиятга эга. Бу трансконтинентал йўл тикланаётган «Буюк Ипак йўли»нинг муҳим бўғини, дўстлик ва биродарлик, тинчлик ва ҳамкорлик йўли бўлиб қолиши шубҳасиз».

Ҳақиқатан ҳам Юртбошимиз таъкидлаганидек, Қамчиқ довоидаги тарихий йўл водийга транспорт қатновини яхшилашдан ташқари Андижон, Ўш орқали Хитойнинг Шинжон вилоятига, ундан эса Қашқар орқали Тинч океанига, Яқин Шарқ ва Жанубий Европа, Ҳинд океани ва Араб мамлакатларига, ғарбдан эса, Туркменистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Ўртаер денгизига чиқиш имконини беради.

Хулоса қилиб айтганда, Қамчиқ довоида барпо этилаётган муҳим тарихий йўл катта ва улғувор ишларнинг дебчасидир. 2010 йилга бориб, мамлакатимиз ҳудудидан жами 14 миллион тонна халқаро юк олиб ўтилиши кутилмоқда. Шу боис машҳур доводда бунёдкорлик ишлари тинимсиз ва жадал суръатларда давом этмоқда.

на меҳнатларига Юртбошимиз ҳам юксак баҳо берди: «Қамчиқ ва Резак довоидаги ерости йўллари бунёд этишда, янги йўл қурилиши-

Бугун эса Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони, Республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси, сеvimли шоиримиз Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ таниқли олим, шоир, ёзувчи ва санъаткорлар Қамчиқ довои бунёдкорлари ҳузурига йўл олдилар. Пойтахтлик меҳмонлар қурувчилар билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг ҳаёти, меҳнати ва фаолиятини чуқур ўрганадилар, ўз ижодларидан намуналар ўқиб берадилар, эсдалик учун суратга тушадилар. Шунингдек, шоир Тўлан Низомнинг Қамчиқ довои қурилишидан ҳикоя қилувчи «Довон» достонининг тақдироти бўлиб ўтади.

Мазкур учрашув ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида ҳикоя қиламиз.

Абдусаммад ЙЎЛДОШЕВ,

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.



Ушбу халқаро аҳамиятга эга бўлган бош йўлнинг Тошкент вилояти ҳудудидан ўтадиган қисми, яъни 116-километрида жойлашган Чинор аҳоли масканидан бошланиб, Наманган вилоятидаги 196-километрда жойлашган Кўшминоргача бўлган 80 километр узунликдаги қисмида катта ҳажмдаги қурилиш ишлари амалга оширилди. Биринчи навбатда йўлнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган даражада кенг ва мустаҳкам бўлишига жиддий эътибор қаратилди.

Бош йўлнинг энг муҳим нуқтаси — Қамчиқ довои

(Давоми. Боши 1-бетда).

тилмоқда. Чунки, бу йўлдан бир кеча-кундузда 17 мингта автомашина ўтади. Шуниси диққатга сазоворки, йўл қуриш, кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари автотранспорт ҳаракатини бир дақиқа ҳам тўхтатмаган ҳолда бажарилаёпти.

Ангрен, Янгиобод ва Дукент йўллардан фойдаланиш бошқармалари ҳамда Ангрен бурғилаш ва портлатиш бошқармаси жамоаларининг меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар йўлнинг ўзларига бириктирилган 227 километр узунликдаги қисмида барча ишларни ҳам суръат, ҳам сифат жиҳатидан маромига етказиб бажармоқдалар. Мамлакат пойтахтини водий билан боғловчи бу йўлни обо-

авлод учун» жамғармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари билан бирга болаларни кўздан кечирди. Бунинг учун халқаро ташкилот вакиллари Тошкент шаҳридан ташқари Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё вилоятларида бўлди. Танлаб олинган 15 нафар бола Германия ва Австриянинг ихтисослашган тиббий муассасаларига юборилди.

Амалдаги битим доирасида «Пис Вилиж Интернешнл» нафақат тиббий, балки инсонпарварлик ёрдами ташкил этмоқда. Жумладан, «Соғлом авлод учун» жамғармасига доридармонлар, тиббий ускуналар, ногиронлар аравачалари, кийим-кечаклар топширилди. Олинган барча нарса республика меҳрибонлик уйларига тарқатилди.

Ў.А.

Даволаниш учун Европа шифохоналарига

Энди болаларимиз Европанинг энг яхши шифохоналарида даволана олади. Республиканинг 7 вилояти ва Тошкент шаҳридан Германияга учиб кетган ўн беш нафар ўғил ва қизда соғайиб кетишга шундай умид туғилди.

Уларни Европага юбориш «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ва «Пис Вилиж Интернешнл» халқаро инсонпарварлик ташкилоти ҳамкорлиги самараси бўлди.

Бу ҳамкорлик икки йил аввал, Ташки ишлар вазирлиги ва Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси кўмагида икки ташкилот ўртасида илк алоқалар ўрнатилганда бошланган эди. 2002 йилда эса мунтазам ра-

вишда болаларни Европа шифохоналарига даволанишга юбориш тўғрисида узоқ муддатли битим имзоланди. Натижада турли ривожланиш касалликларига эга 9 нафар бола у ерда операция қилинди ва реабилитациядан ўтди, тўрт нафари эса даволанмоқда.

Тезкор ёрдамга муҳтож болаларни танлаб олиш учун «Пис Вилиж Интернешнл» мутахассислари июнь ойида республикамизга келишди. Улар «Соғлом

ТАБИАТ ҚЎЙНИДАГИ УЧРАШУВ

Ўзбекистоннинг юзта нодавлат нотижорат ташкилоти (ННТ) вакиллари айни дамда ўзларининг илк «ННТ-2003 форум»ини ўтказиш учун мамлакатимизнинг хушманзара ҳўшаларидан бири - Чорвоқ сўхатгоҳи ҳудудида йиғилди.

Мазкур йирик тадбирни асосан АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги томонидан молиялаштириладиган Евроосиё жамғармаси, Швейцария элчихонаси, Ўзбекистон Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Швейцария ҳамкорлик бюроси ва Жаҳон банки қўллаб-қувватлади.

Мазкур анжуман ННТ лар ўртасида алоқаларни фаоллаштириш борасида муҳим қадамдир. У мазкур ташкилотларга ўз фаолиятини қатъий йўналтиришга ва хатти-ҳаракатларини долзарб ҳаётини масалаларни тартибга солишга бўйсундиришга ёрдам беради.

Ў.А.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан бўён ўтган тарихан қисқа давр халқимиз учун истиқболга дахлдор улғувор воқеаларга ғоят бой бўлди.

Юртимизда рўй бераётган ўзгаришлар тараққиёт этган хорижий давлатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатчилар, сиёсатшунослар, иқтисодчилар томонидан юқори баҳоланмоқда. Бу Ўзбекистон халқи Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида янги жамият қуриш йўлида улкан ютуқларга эришаётганининг ўзига хос халқаро эътирофидир.

Бу ютуқларда мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идораларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида прокуратура органларининг мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашдаги ўрнига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий анжуманда шу ҳақда гап борди.

Бош прокурор ўринбосари А.Холмаҳматов бошқарган анжуманда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Ў.А.

Кунчиқар юртига ўқишга

Ўзбекистон ва Япония ўртасида маданий ҳамда маърифий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси ушбу соҳада иш олиб бораётган тадқиқотчилар учун грант бериш ҳақида танлов эълон қилди.

Кунчиқар мамлақати элчихонасининг маданият ва ахборот бўлиmidан олинган хабарга кўра, грантга талабалар, аспирантлар ва даъвогарлар эгалик қилиши мумкин. Япониянинг маънавият, маданият ва технологиялар вазирлиги томонидан тақдим этилаётган мазкур грантлар ушбу мамлакат олий ўқув юртлирида таълим олишни ўз ичига олади.

Бундан ташқари Япониянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги 28 октябргача нуфузли университетларнинг магистратурасида ўқиш учун талабгорларни қабул қилади. Бу борадаги ҳамкорлик Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга хизмат қилади.

Ў.А.

Dushanba

18

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Камалак»
Болалар учун кинодастур.
9.15 «Уч авлод учрашуви». Мусикий дастур.
9.45 «Дип-интервью»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Фаройиб тўти Полли». Бадий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Бир кулишайлик»
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:

12.20 1. «Эртанги кун эгалари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.20 «Яхшилик».
14.10 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал.
15.00 Болалар спорти: «Биз спортчилар оиласимиз, сафимизга кўшилиш».
15.15 ТВ клип.
15.25 «Эртақлар яхшиликка етаклар».
16.15 «Камила». Телесериал.
16.45 «Рангин дунё».
17.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» – «Металлург».
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Ўзбектефильм» намоиши: «Умид ниҳоллари».
18.40 «Мулкдор».
18.55 Бир жуфт кўшиқ.

19.05 «Буни умр дерлар». В. Воҳидов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Ўзбектефильм» намоиши: «Оғир синовлар даври». 6-қисм.
21.45 ТВ клип.
21.55 «Ифтихор».
22.15 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.45 ТВ клип.
22.55 «Ахборот-дайжест».
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» почтаси, Хар соҳага саёҳат.
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Наманган вилояти.
18.35 Тафаккур ёлқинлари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Армон». Одил Ёқубов. Бадий-публицистик кўрсатув.
20.05 «Ниҳол-2003» мукофотига номзодлар.
20.15 Ёшлар овози.

20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Сув - ҳаёт манбаи.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 -23.40 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
17.45 «Спорт ва болалар».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 21.30, 22.45 «Пойтахт».

Ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.10 «ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 15-қисм.
21.10 «Хусусийлаштириш: кадам бақадам».
21.50 ТТВда сериал. «Эдемга қайтиш».
22.30 «Аво-пews».
23.10 «Кинонигоҳ. «Фландрия ити».
00.50-00.55 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Мультисеанс».
17.00 «Евроныйс» янгилликлари.
17.20 «Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси».
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.

18.50 «В. Меладзе иштирокидаги концерт дастури».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Авиация дунёси».
20.55 Кинематограф. «Хисобли никоҳ».
Бадий фильм.
22.20 «Ахборот».
22.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

16.55 гаца профилактика ишлари.

16.55 Дастурнинг очилиши. 17.00 «Маърифий дастур». 17.30, 20.45 «Телехамкор». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Номалъум шахс». 19.30 «Ошиқона» мусикий дастури. 19.45 «Қиёфа ўзгартувчи» изи. Сериал. 17.00 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Куллардан бирида». 23.15 «30-канал»да спорт.

Seshanba

19

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Озод бургутлар парвози». Телефильм.
9.50 Мусикий танлафуз.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Мулкдор».
10.20 «Қора ўқ».
Бадий фильм.
11.45 «Соз сеҳри».
12.05 «Буни умр дерлар». В. Воҳидов.
12.25 ТВ анонс.
12.30 «Кўпчилик қаторида».
12.50 «КиноТеатр».
13.10 «Ўзбекистон Ватаним маним».
13.30 «Муносабат».
14.10 Кундузги сеанс: «Кавингтон Кросс». Телесериал (Яқунловчи)
15.00 «Портретга чизгилар».
15.20 «Чорраҳа».
15.40 «Камила».

Телесериал.
16.10 «Калб гавҳари».
16.30 «Покахонтас».
Мультисериял.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Репортаж».
18.15 «Олтин бешик».
18.35 Бир жуфт кўшиқ.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Фанимиз даргалари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Миллат келажаги деб». 1-қисм.
21.25 ТВ клип.
21.35 «Бугуннинг одамлари».
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
22.45 «Кўшигимиз Сизга армуғом».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

қиллигининг 12 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
22.45 «Кўшигимиз Сизга армуғом».
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонги сериал: «Менинг шотландиялик дўстим» («Ўзбектефильм») 1-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Катта танлафуз, Хайр оромгоҳ.
10.25 Саломатлик сирлари.
10.45 «Куй ва соз соҳиб» («Ўзбектефильм»)
11.00 Белида белбоғи борлар.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм 1-қисм.

йиллиги олдидан «Учрашув».
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экран: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.35 «Момо ер». Маърифий фильм 1-қисм.
16.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Армон». Одил Ёқубов. Бадий-публицистик кўрсатув.
16.25 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.45 «Соғабон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
17.55 Кўёшли юрт одамлари.
18.10 ТВ - анонс.
18.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм 1-қисм.

18.30 Автопатрул.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Озод юрт фарзандлари.
20.10 «Ниҳол-2003» мукофотига номзодлар.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Бунёдкорлик» туркумидан «Ўзбекистон - қурилишлар мамлақати» видеофильм. премьераси 4-қисм.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.45 - 23.50 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».

18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Химоя».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.10 «ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 16-қисм.
21.10 «Ҳамшаҳарлар».
21.50 ТТВ да сериал «Эдемга қайтиш».
22.55 Кинонигоҳ: «Тёрнер ва Хуч».
00.25-00.30 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 - 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Жаҳон рақслари».
17.05 «Евроныйс» янгилликлари.
17.25 «Биз аной эмасмиз». Ҳажвий кўрсатув.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Микрокосмос».
19.50 «Жаҳон юдузалари».

20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».
20.35 «Х-Спорт».
20.55 FCN Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
21.05 Кинематограф. «Ҳаво қироли».
Бадий фильм.
22.40 «Ахборот».
23.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Куллардан бирида». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30»да спорт. 16.50 «Ҳужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Тубсизликдан келган хатлар». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қиёфа ўзгартувчи» изи. Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Тўққиз ой». 23.15 Реслинг титанлари.

Chorshanba

20

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектефильм» намоиши: «Зардушлар», «Ўзбек ипаги мўъжизаси».
9.20 «Соғлом она - соғлом бола».
9.40 «Олтин бешик».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 ТВ клип.
10.35 «Кувноқ сеҳргарлик». Бадий фильм.
11.40 «Шарқ тароналари».
12.05 «Шу азиз Ватан барчамизники».
12.25 «Бугуннинг одамлари».
12.45 «Боши қотган ошиқлар». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли.
14.10 «Фанимиз даргалари».
14.30 «Миллат келажаги деб». 1-қисм.

14.50 Кундузги сеанс: «Кайлик ўғирлаш». Бадий фильм.
15.55 «Ягона оилада».
16.25 «Камила». Телесериал.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.55 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Шоирлар - болаларга».
18.10 «Аждодлар мероси».
18.45 Репортаж.
18.50 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
19.05 «Юртимиз фидойилари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Миллат келажаги деб». 2-қисм.
21.25 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Г. Эрқулова.
21.45 «Ўзбекистон»

телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Шу азиз Ватан барчамизники».
22.35 «Ахборот-дайжест».
22.55 «Икки соҳил, икки фильм». Бадий фильм.
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонги сериал: «Менинг шотландиялик дўстим». 2-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
10.10 «Дороти Оз мамлақатида». Мультфильм.
10.35 «Давр» - репортаж.
10.45 Сув - ҳаёт манбаи.
10.55 Тараққиёт уфқлари.

ри.
11.15 ТВ - анонс.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Чегарачи.
12.40 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экран: «Анпанман». Мультсериал.
13.35 Боланинг тили.
13.50 Ёшлар телеканалда спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
14.50 Кўёшли юрт одамлари.
15.05 «Келди-ю, кетди». Бадий фильм.
16.35 Автопатрул.
16.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигидан. «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Навоий вилояти.
17.35 Кўрсатувлар дастури.
17.40 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
18.00 Болажон.
18.15 «Bolscom» хабарлари.
18.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Тинчлик учун кураш». Видеофильм. 1-қисм.
22.15 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.45 «Қизлар давраси» 1-қисм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

қиллигининг 12 йиллигидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм 2-қисм.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Зинама-зина» телеўйини.
20.00 Спорт - лото.
20.10 «Ниҳол-2003» мукофотига номзодлар.
20.20 Ёшлар овози.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Чемпион сирлари.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
23.35 Ёшлар давраси.
0.05 - 0.10 Хайрли тун.

«Тошкент» телеканал

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар».
18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусикий меҳмон».

хона».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.10 ТТВда сериал. «Айрилик азоби».
20.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси». Кўп қисмли видеофильм. 17-қисм.
21.10 «Аёл қалби».
21.50 ТТВда сериал. «Эдемга қайтиш».
22.55 Кинонигоҳ. «Алвасти тоғ томон қочиш».
00.30-00.35 Хайрли тун, шахрим!

«Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ 6.30 - 8.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Мультисеанс».
17.00 «Евроныйс» янгилликлари.
17.20 «Машхурлар. Т. Иванова».
17.50 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.30 «Тавбасига таянмаганлар». Бадий фильм.
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревью».

20.35 «Спорт технологияси».
20.50 К. Орбакайте ижросидаги концерт дастури.
22.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.00 Футбол. Россия-Исроил терма жамоалари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар». Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Тўққиз ой». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 «Ҳужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Телбалар стадионда». 19.30 «Ошиқона». Мусикий дастур. 19.45 «Қиёфа ўзгартувчи» изи. Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телетабриқнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми: «Супержосус». 23.15 Спорт дастури.

Payshanba

21

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Шоирлар - болаларга».
10.00, 12.00, 14.00,

18.00 Янгилликлар.
10.05 «Улон». Бадий фильм.
11.40 «Юртимиз фидойилари».
12.05 Симфоник мусика дунёси.
12.25, 13.10 ТВ анонс.
12.30 «Шу азиз Ватан барчамизники».
12.50 «Муҳлис ёхуд кўшиқ изидан».
13.15 Болалар спорти: «Бир умр ҳамроҳим».
13.30 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.

14.10 Эстрада тароналари.
14.30 «Миллат келажаги деб». 2-қисм.
14.50 Кундузги сеанс: «Маҳбубим, азизим, суоқлигим». Бадий фильм.
15.50 «Истеъдод».
16.10 «Камила». Телесериал.
16.40 «Буюк аждодларимиз».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
17.00 1. «Қизқарлик учрашувлар».
2. «Цирк, цирк, цирк».
18.10 «Дунёқараш».
18.25 «Ўзбекистон бастакорлари».
18.45 «Сихат-саломатлик».

19.05 «Парламент вақти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртақлари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Миллат келажаги деб». 3-қисм.
21.25 Санъат усталарининг концерти.
21.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Тинчлик учун кураш». Видеофильм. 1-қисм.
22.15 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.45 «Қизлар давраси» 1-қисм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

қиллигининг 12 йиллигига. «Тинчлик учун кураш». Видеофильм. 1-қисм.
22.15 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.45 «Қизлар давраси» 1-қисм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.

9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 Тонги сериал: «Менинг шотландиялик дўстим» 3-қисм.
9.50 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
10.10 «Мультимоша».
10.40 Болажон.
10.55 «Нақшлар бўстони» («Ўзбектефильм»)
11.05 Ёшлар овози.
11.25 «Гвадалупе». Телесериал.
12.05 Спорт қитъаси (рус тилида)
12.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил

экрани: «Анпанман».
Мультсериал.
13.35 Болалар шеърятти.
13.50 Интерфутбол.
15.30 ТВ - анонс.
15.35 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
16.25 «Фарзандим - жигарбандим».
Маҳалла ҳаётдан лавҳалар. 3-қисм.
16.50 «Момо ер».
Маърифий фильм 2-қисм.
17.15 ТВ - анонс.
17.20 Кўрсатувлар дастури.
17.25 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик.
17.45 Ўзбекистон

Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Ойбек». Видеофильм 3-қисм. 18.00 ТВ - анонс. 18.05 Сийрат. 18.25 Табобат оламида. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» - интервю. 19.50 Юртим кўрки. 20.10 «Ниҳол-2003» мукофотига номзодлар.

20.20 Бегойим. 20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол. 23.35-23.40 Хайрли тун. **«Тошкент» телеканал** 17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТTVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». 17.45 «Навниҳол». 18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Бурч ва масъулият». 18.30, 20.00, 21.55, 22.55 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Табриқлаймиз-қутлаймиз». 19.10 ТTVда сериал. «Айрилиқ азоби». 20.25 Хаёт сабоқлари: «Кирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли

видеофильм. 18-қисм. 21.10 «Мохир». 21.25 «Умр йўлдоши». 22.15 ТTVда сериал. «Эдемга қайтиш». 23.20 Кинонигоҳ. «Алвасти тоққа қайтиш». 00.50-00.55 Хайрли тун шаҳрим! **«Халқаро» телеканал** БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00. 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести».

16.45 «Хинд оҳанглари». 17.05 «Евроньоус» янгиликлари. 17.20 «Ажойиб инсонлар ҳаётидан». В. Розов. 17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал. 18.50 «Витас иштирокидаги концерт дастури». 19.40 «Навоий театри». Хужжатли фильм. 20.00 «Время». 20.30 «Бизнес ревью». 20.35 «Ишбилармон кишилар». 20.55 «Соккер клуб».

21.15 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 21.25 Кинематограф. «Беверли хилзлик полициячи». Бадийий фильм. 24.00 «Ахборот». 00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!» **30-канал** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40, 16.00 «30»да спорт.

11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Супержосус». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Кўлга тушдинг, йигитча». 19.30 «Ошикона». Муסיқий дастур. 19.45 «Киёфа ўзгартирувчининг изи». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Сув тошқини». 23.15 Спорт дастури.

JUMA **22** **«Ўзбекистон» телеканал** 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 - 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Қизиқарли учрашувлар». 2. «Цирк, цирк, цирк». 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар. 10.05 «Бўронлар ҳукмдори». Бадийий фильм. 11.35 «Дунёқараш». 11.50 Муסיқий танаффус. 12.05 «Сихат-саломатлик». 12.25 «Буюк аждодларимиз». 12.45 - 15.35 ТВ клип. 12.55 «Кувноқлар ва зукколар». Телемусобақа. 3-қисм. 14.10 Кикбоксинг бўйича Осиё очик чемпионати.

14.30 «Миллат келажиги деб». 3-қисм. 14.50 Мумтоз наволар. 15.10 ТВ анонс. 15.15 «Фанимиз истиқболлари». 15.45 «Камила». Телесериал. 16.15 «Парламент вақти». Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»: 16.35 1. «Ҳазил, ҳажв, хангома». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 17.35 «Нурли манзиллар». 18.10 «Тафсилот». 18.25 «Иқтидор». Интеллектуал телеуйин. 19.00 Репортаж. 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

20.15 Бир жуфт кўшиқ. 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Миллат келажиги деб». 4-қисм. 21.25 ТВ клип. 21.30 «Муносабат». 22.00 ТВ клип. 22.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Тинчлик учун кураш». Видеофильм. 2-қисм. 22.40 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Камила». Телесериал. 23.10 «Ахборот-дайжест». 23.30-23.35 Ватан тимсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 Жаҳон жуғрофияси. 10.05 «Янги авлод» студияси: Келинг, танишайлик.

10.25 «Давр»-интервью. 10.40 Бегойим. 11.00 Юртим кўрки. 11.20 «Гвадалупе». Телесериал. 12.00 Ёшлар овози. 12.20 «Фарзандим - жигарбандим». Маҳалла ҳаётдан лавҳалар. 3-қисм. 12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари. 12.55 ТВ - анонс. 13.00 Давр. 13.10 Ёзги таътил экран: «Анпанман». Мультсериал. 13.35 Ўйна, болажон, ўйна. 13.50 Интерфутбол. 15.30 Сийрат. 15.50 Азизим. 16.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Бу менинг Ватаним» туркумидан: Хоразм вилояти. 16.40 Кўрсатувлар дастури. 16.45 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 17.05 «Мульттомоша». 17.20 Менинг маҳаллам.

17.40 Ёшлар ва ҳуқуқ. 18.00 Аскар мактублари. 18.20 ТВ Бинго миллионер. Телелотерея. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» нигоҳи. 19.55 Муסיқий лаҳзалар. 20.00 Меҳр кўзда. 20.40, 21.25, 22.35 Ўзлонлар. 20.45 «Гвадалупе». Телесериал. 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 ТВ - анонс. 22.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: 1. Ринг қироллари, 2. Футбол плюс. 0.05 - 0.10 Хайрли тун. **«Тошкент» телеканал** 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТTVда сериал. «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». 18.05, 21.05 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Эл хизматида». 18.30, 20.00, 21.40, 22.40 «Пойтахт» ахборот дастури.

18.50 «Табриқлаймиз-қутлаймиз». 19.10 ТTVда сериал. «Айрилиқ азоби». 20.25 Хаёт сабоқлари: «Кирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм. 19-қисм. 21.10 «Мушоҳада». 22.00 ТTVда сериал «Эдемга қайтиш». 23.05 Кинонигоҳ. «Севги барини кечиради». 00.35-00.40 Хайрли тун, шаҳрим! **«Халқаро» телеканал** БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.30 - 8.00. 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Вести». 16.45 «Жаҳон рақслари». 17.05 «Евроньоус» янгиликлари. 17.20 Хужжатли фильм. 17.50 «Ишонч ва муҳаббат». Сериал. 18.55 «Мўъжизалар майдони». 20.00 «Время». 20.30 «Олтин граммофон». 21.30 «Бизнес-ревью». 21.35 «Дурдаршан».

22.00 «Хит парад». 22.30 «Ахборот». 23.05 Кинематограф. «Беверли хилзлик полициячи-II». Бадийий фильм. 00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!» **30-канал** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнджерс ёки кучли рейнджерлар» Сериал. 10.40 «Маърифий дастур». 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Сув тошқини». Фильм. 13.30 «У қотилликни баён этди». Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 «30» да спорт. 16.40 «Хужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 «Ошикона». Муסיқий дастур. 19.45 «Муз даври». Сериал. 21.05 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Саргузаштлар излаб». 23.15 Спорт дастури.

SHANBA **23** **«Ўзбекистон» телеканал** 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. Ёзги таътил кунларида: «Болалар сайёраси»: 9.00 1. «Ҳазил, ҳажв, хангома». 2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 3. «Акаиро». Мультфильм. 10.20 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.40 «Бу турфа олам». 11.30 Телевизион миниатюралар театри Жиззахда. 12.00, 13.20 ТВ анонс. 12.05 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Рангин кўзгу». Бадийий фильм. 13.25 «Санъатга бахшида умр».

13.50 «Миллат келажиги деб». 4-қисм. 14.10 «Химмат». 14.25 «Ширин орзулар». Бадийий фильм. 16.05 «Ягона оилада». 16.35 Кикбоксинг бўйича Осиё очик чемпионати. 16.55 ТВ клип. 17.05 «Адабий жараён». 17.25 «Чорраҳа». 17.45 «Жиз-биз». Ҳажвий кўрсатув. 18.10 «Саргузаштлар ороли». Телешоу. 18.45 «Интеллектуал ринг». Телесериал. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 «Оқшом эртақлари». 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот». 21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Миллат келажиги деб». 5-қисм.

21.25 ТВ клип. 21.35 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 22.00 Давр. 22.55 «Ахборот-дайжест». «Тунги ёғду»: 23.15 «Ватанпарвар». Бадийий фильм. 1-қисм. 00.30-00.35 Ватан тимсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Давр» нигоҳи. 9.35 ТВ - анонс. 9.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима? 10.00 Кувноқ стартлар. Телемусобақа. 10.30 Табобат оламида. 10.55 Муסיқий дастур. 11.10 «Гвадалупе». Телесериал. 11.50 Меҳр кўзда. 12.30 Ринг қироллари. 13.20 ТВ - анонс. 13.25 «Герберт Уэлс

олами». Бадийий фильм 4-қисм. 14.15 Ёшлар ва ҳуқуқ. 14.35 Жаҳон муסיқаси хазиначидан Жузеппе Верди «Аида» операси. 15.55 ТВ - анонс. 16.00 Жаҳон муסיқаси хазиначидан Жузеппе Верди «Аида» операси (давоми) 17.20 Кишлоқдаги тенгдошим. 17.40 Никоб. 17.45 Кўрсатувлар дастури. 17.50 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 18.10 Мультфильм. 18.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Учрашув». 18.40 Каталог. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Давр» репортаж. 19.45 Муסיқий лаҳзалар. 19.55 Кутилмаган меҳмон. 20.15, 21.10, 22.35 Ўзлонлар. 20.20 «Герберт Уэлс

олами». Бадийий фильм 5-қисм. 21.15 Оҳанрабо. 21.20 Давр. 22.40 ТВ-анонс. 22.45 Кинотақдим. 22.05 «Ёшлар» телеканалда премьераси «Жек лакабли кенгур». Бадийий фильм. 0.35-0.40 Хайрли тун. **«Тошкент» телеканал** 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Мультчархпалак». 17.40 «Жаҳон географияси». 18.10, 21.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.15 «Афиша». 18.35 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Келажакка интилиб». 18.55 «Табриқлаймиз-қутлаймиз». 19.15 «Мисли гавҳар». 19.30 ТTVда сериал: «Қайсар ва довораклар». 19.50 «TV мадад». 20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақаддам». 20.20 Хаёт сабоқлари:

«Кирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм. 20-қисм. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Озод ва обод юрт». 21.25 «Нима учун?». 21.55 Кинонигоҳ. «Борт ортида». 23.35.23.40 Хайрли тун, шаҳрим! **«Халқаро» телеканал** 9.05 Кўрсатувлар тартиби. 9.10 «Лаззат». 9.30 «Ўйга қайтиш». Ренат Акчуринов. 10.15 Болалар соати: «Оз мамлакатининг сеҳргари». Бадийий фильм. 11.45-12.45. Дўстлик видеоканал: «Саҳий хонадонда», «Чинсэн», «Бизнен мирас». 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Бинафша». 18.25 «Билишни истайман». 18.40 «Ассалом, Франция!»

18.55 «Қийшиқ кўзгу». Ҳажвий кўрсатув. 20.00 «Время». 20.25 «Қийшиқ кўзгу». Ҳажвий кўрсатув. 22.05 «Лаззат сеҳри». 22.35 «Ахборот». 23.10 Кинематограф. «Беверли хилзлик полициячи-III». Бадийий фильм. 00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!» **30-канал** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар ўчун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. «Саргузаштлар излаб». 13.40 Шоу дастури. 14.30 Хинд киноси. 17.00 Телесериал. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Биринчи жанг». 19.45 «Ошикона». Муסיқий дастур. 20.00 «Асли ҳаётдагидек». Сериал. 20.30 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.05 «Дайди». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. «Само остидаги жаҳаннам». 00.30 Муסיқий дастур.

Yakshanba **24** **«Ўзбекистон» телеканал** 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.00 «Кўҳна замин оҳанглари». 9.20 «Курбақа малика». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20 «Бу турфа олам». 12.10 «Интеллектуал ринг». Телесериал. 12.50 «Йўлбошчи». Бадийий фильм. 14.10 «Қорақалпоқнома». 14.30 «Миллат келажиги деб». 5-қисм. 14.50 «Бемби». Мультфильм. 16.00 «Куйла, ёшлигим». 16.20 ТВ анонс. 16.25 «Портретга

чизгилар». 16.45 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Насоф» - «Нефтчи». Ёзги таътил кунларида. «Болалар сайёраси»: 17.35 1. «Ёш юлдузлар». 2. «Олтин тоғ». Телевизион ўйин. 18.35 «Кўшигимиз Сизга армузон». 18.55 «Бизнес ҳафта». 19.05 «Қалб гавҳари». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ўзлонлар. 19.30 «Тахлилнома» (рус тилида) 20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача». 20.30 «Тахлилнома». 21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллигига. «Миллат келажиги деб». 6-қисм. 21.35 «Яхшилик». «Якшанба кинозали»: 22.20 «КиноТеатр». 22.40 «Ватанварпар». Бадийий фильм. 2-қисм. 23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканал 6.55 Кўрсатувлар дастури. 7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури. 9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма. 9.20 Болалар экран: «Урдакчилар саргузаштлари». 10.00 «Давр»-репортаж. 10.10 Оҳанрабо. 10.50 «Заковат» интеллектуал ўйини. 11.35 Аскар мактублари. 11.55 Ҳуш келибсиз. 12.20 Бугуннинг ёшлари. 12.40 Муסיқий лаҳзалар. 12.50 «Герберт Уэлс олами». Бадийий фильм 5-қисм. 13.40 Ёшлар овози. 14.00 «Тузок». Бадийий фильм. 15.25 Озод юрт фарзандлари. 15.45 «Зинама-зина» телеуйини. 16.10 «Экспедиция». Кўп қисмли хужжатли сериал. 17.00 ТВ - анонс. 17.05 Кўрсатувлар дастури. 17.10 «Янги авлод» студияси: Катта

танаффус. Болалар учун концерт. 17.45 «Питер ва сеҳрли туҳум». Мультфильм. 18.10 Спорт ҳафтанома. 18.25 ТВ - анонс. 18.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Ботурхон Валихўжаев». Видеофильм премьераси 1-қисм. 18.50 Олтин мерос. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 «Давр»-news. 19.15 ТВ - анонс. 19.20 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан. «Умр дафтари» туркумидан: «Ботурхон Валихўжаев». Видеофильм премьераси 2-қисм. 19.40 Муסיқий лаҳзалар. 19.50, 20.45, 22.30 Ўзлонлар. 19.55 «Герберт Уэлс олами». Бадийий фильм 6-қисм (яқунловчи) 20.50 «Қилни кирк ёриб...» Интеллектуал ўйин. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичда. 22.35 ТВ - анонс.

22.40 «Ёшлар» телеканалда премьераси «Симона». Бадийий фильм. 0.25 - 0.30 Хайрли тун. **«Тошкент» телеканал** 17.10 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Эртақларнинг сеҳрли олами». 18.55 21.10 «Экспресс» телегазетаси. 19.00 «Табриқлаймиз-қутлаймиз». 19.20 «Жаҳон географияси». 19.50 «TV мадад». 20.00 ТTVда сериал. «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Регистонда оҳанглар баҳси». 20.40 «TV плюс». 21.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 12 йиллиги олдидан «Озод ва обод юрт». 21.35 Хаёт сабоқлари: «Кирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм. 21 қисм. 22.15 «Саодат қалити». 23.10 Кинонигоҳ. «Бадди». 00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканал 9.05 Кўрсатувлар тартиби. 9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Хамма уйдалигида». 10.10 «Мультсеанс». 10.30 «Фан-тайм». 10.40 «Кайфият». Информацион-дам олиш дастури. 12.10 «Экран зийнати ва киймати». 12.35 «FCN». Ўзбекистон янгиликлари (инглиз тили) 12.45 «Хусусийлаштириш: қадам-бақаддам». 13.05 «Ошхонада гаплашамиз». 13.15 «Парле ву франсе?». 13.40 «Дорихона эшитида». 14.30-15.50 Дўстлик видеоканал: «Рангинкамон», «Дидар», «Айчурек», «Корейс тилини урганамиз». 18.05 Кўрсатувлар тартиби. 18.10 «Жаҳон рақслари». 18.40 «Аншлаг». 19.25 «Титаникка» қайтиб.

19.50 «Кинопрофи». 20.15 «Тенгдошлар». 20.45 «Жавоҳир полициячи». Кинокомедия. 22.30 Бокс. Олег Маскаев - Хасим Раҳмон. 23.20 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Франциядан олиб кўрсатилади. 23.50 «Тахлилнома». 00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!» **30-канал** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 «Телехамкор». 9.30 «Деннис-шумтака». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. «Само остидаги жаҳаннам». 14.30 Кундузги кинозал: «Ойна ёнидаги аёл». 16.10 Маърифий дастур. 16.40 Муסיқий дастур. 17.00 Телесериал. 18.10 «30-канал» кинооқшоми: «Зараркунада». 19.45 «Ошикона». Муסיқий дастур. 20.00 «Асли ҳаётдагидек». Ҳажвий сериал. 20.30 «Клип-совга». Телеабрикнома. 21.05 «Дайди». Сериал. 22.00 «30-канал»да якшанба кинооқшоми. «Тўртинчи фаришта». 23.30 Спорт шарҳи.

Фидойи инсонлар

Иқтисодчилик касбига астойдил меҳр қўйган ва уни ардроклаб келаётган Нурилла Саъдуллаев ниҳоятда ҳалол, покдамон, мулоҳазали, андишали инсон. Шунинг учун бўлса керак, ёши ўтиб қолгач, негадир жамоада, айниқса, касбдошлари орасида ўзини ўнғайсиз ҳис қила бошлади. Шу ҳақда ўйлаб ҳар хил ҳаёлларга борди. Ниҳоят, яқиндагина хўжаликка раис бўлиб келган Баҳодир Боймуҳамедовнинг олдига киришга қарор қилди.

**ҚАМИШНИ ҚАТТИҚ УШЛАСАНГ,
ҚЎЛНИ КЕСМАЙДИ**

Раис уни ниҳоятда самимий қарши олди. Дилдан суҳбатлашдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар. Ана шундан сўнг, Нурилла ака ётиги билан гап бошлади.

— Ука, — деди у, — бундай ўйлаб қарасам, ёшимиз ҳам бир жойга бориб қолибди. Қўлдан келганча меҳнат қилдик. Энди буёғига ёшларга қўйиб берсам дедим. Баҳодир асли ўз меҳнат фаолиятини шу ердан бошлаган. Узоқ йил бригадирлик қилган. Нурилла акани ҳам жуда яхши билади, хурмат қилади. Ишчанлиги, самимийлигига ҳавас қилади. Лекин қутилмаган бу таклифдан ўйланиб қолди.

— Нималар деяпсиз? — деди Баҳодир Боймуҳамедов, — хўжаликни катта оилага қисс қиладиган бўлсак, ёши катталар шу оиланинг чироғи-ку. Улар бор жойда файз бор, барака бор, тартиб-интизом бўлади. Шундай бўлгач, нега энди айти тажрибангиз асқотадиган пайтда биз сизга жавоб беришимиз керак?

— Уйда нима ҳам қилардингиз, — деди раис гапини давом эттириб, — бола-чақаларингиздан тингансиз, уларни жой-жойига қўйгансиз, хотиржамсиз. Бўшаш ҳақида ўйламанг. Ёшим ўтиб қолди деб, мулоҳазага борманг. Тўғриси айтсам, тунов кунни нимаям бўлдию, ҳисобхонага кириб қолдим. Кўрдимки, ёшингиз саксоннинг нари-берисида бўлишига қарамай, кўзойнақсиз чўт қоқиб ишляпсиз. Ҳавасим келди. Ҳаёлингизни бўлгим келмади, демокчиманки, сиз ҳали бизга кераксиз. Сиз тўплаган тажриба — бу катта бойлик, катта мулк. Шунинг учун ишни давом эттирасиз, ёшларга мураббийлик қиласиз. Биламан, айрим нохуш воқеалар бўлган. Уларни унутинг, майда-чуйда гапларни эсдан чиқаринг.

Астойдил дилдан чиқариб, куюниб айтилган бу гаплар Нурилла акани ниҳоятда тўлқинлантириб юборди. Унинг кўзларида ёш қалқиди.

— Раҳмат, ука, — деди у. — Ишон-

чингни оқлашга ҳаракат қиламан.

Дарвоқе, раис чиндан ҳам Нурилла акадаги инсоний фазилатларнинг кадрини ўз ўрнига қўяётган эди. Буёғини айтадиган бўлсак, Нурилла Саъдуллаев бундай обрў, иззат-хурматга ўз-ўзидан эришмади. У ҳаётнинг сўқмоқларини чидам ва сабот билан босиб ўтди.

Асли тошкентлик бу йигит ўрта мактабни тугатган, ўз фаолиятини Мирзачўл туманида бошлади, таъминотчилик қилди. Лекин уни асли кўпроқ ҳисобдонлик қизиқтирарди. Шу мақсадда бухгалтерлар тайёрлаш курсига кириб ўқиди. Битиргач, Зангиота туманидаги хўжаликлардан бирида бош бухгалтерга ёрдамчи бўлиб ишлаш бошлади. Устозидан, ўзидан катталардан ҳисоб-китоб сирларини сўраб ўрганишдан ийманмади.

Кўп ўтмай у ўзининг ишчанлигини билган мутасаддилар назарига тушди. Уни бош бухгалтерлик лавозимига тавсия этдилар. Н. Саъдуллаев бу ишни бошлар экан, билимни мустаҳкамлаш зарурлигини ҳис этди ва халқ хўжалиги институтига кириб, уни сирдан муваффақиятли яқунлади.

У умрининг қарийб 30 йилини Тошкент туманидаги Муҳаммаджон Фозилов юзми хўжалик билан боғлади. Сурункасига ярим аср мобайнида шу ерда бош ҳисобчи бўлиб ишлади.

Аслини олганда бош бухгалтерлик ниҳоятда сермашаққат иш. У доимо ўз билими, малакасини ошириб бориши зарур. Қолаверса, у хўжаликнинг ойнаси. Жамоа мулкани юзага чиқарувчи ҳам, уни йўқ қилувчи ҳам бош бухгалтер.

— Мен бир бош бухгалтерни биламан, — дейди Нурилла ака. — У нафсига ортиқча эрк бериб юборди. Вақтинчалик хуэр-ҳаловатнинг қурбони бўлди. Бир рақами ёнига бешни қўйиб, халқнинг ярим миллион сўм пулини ўмариб ўзлаштирмоқчи бўлди. Лекин, кўпчиликнинг ҳақи қўймади уни. У тегишли жазосини олди. Мен бу ҳақда доимо ёшларга эслатиб тураман.

Ҳақиқатан ҳам Нурилла Саъдуллаев ўз фаолиятида тўғрилиқ ва ҳалолликни шиор қилиб олган. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, у нафс қурбони бўлмади. Сабру қаноат ҳамиша унга ҳамдам бўлди. Бош бухгалтер сифатида ички интизом ва шартномавий шартларнинг бажарилиши устидан ҳамиша қаттиқ назорат ўрнатиб келди. Шу асосда хўжаликнинг молиявий аҳволини яхшилашга катта ҳисса қўшди. Агар сиз хўжаликка борсангиз, обод қишлоқни, халқнинг кундалик ҳаёти-эҳтиёжи-

ни қондиришга қўл келадиган турли хил маданий-маиший хизмат кўрсатувчи объектлар фаолият кўрсатаётганлиги, деҳқонлар бойбадавлат яшаётганлигини кўрасиз. Бунда Нурилла аканинг ҳам ҳиссаси бор. Чунки, у халқ ишлаб топган бойлик, мол-мулкнинг беҳуда ишлатилишига йўл қўймади. Эл бойлиги, элнинг кори-хайрига ярасин, деб жон қойитди.

Нурилла Саъдуллаев ўтган йиллар мобайнида кўпгина шогирдларни етиштириб чиқарди. Улар турли хил раҳбарлик лавозимларида муваффақиятли ишлаб, устозларига раҳмат келтирмоқдалар. Акбар Сулаймонов, Сўхбатилла Топшўлатов, Тоҳир Ризаевлар шулар жумласидандир. Унинг шогирдларидан бири Баҳодир Эгамбердиев эса устози ишини давом эттирмоқда.

— Нурилла ака, — деб сўраймиз у кишидан, — сиз ўз фаолиятингиз давомида 13 та раис билан ишлабсиз. Ҳар кимнинг феъл-атвори, инсонларга муносабати бўлади. Сиз эса бу раисларнинг ҳаммаси билан ҳам тил топиша билгансиз. Бунинг сирини нимада?

— Ҳалоллик ва фидойиликда, — деб жавоб берди бу саволимизга Нурилла Саъдуллаев.

Устоз шу кунларда шогирдлар даврасида оддий иқтисодчи бўлиб ишни давом эттирмоқда, ўз тажрибаларини уларга ўргатмоқда. Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, эл-юрт ишончини оқлаш, ёшларни тарбиялаш ишларига камарбасталик қилмоқда.

Нурилла ака билан хайрлашар эканмиз, гўёки у киши сўхбатимизга яқун чиқаргандек: «Қамишни қаттиқ ушласанг, қўлни кесмайди» деб айтдилар. Буни биз кимки ўз касбига садоқатли бўлса, меҳр қўйса, ардоқласа, қийинчиликларга чидаसा, ҳеч вақт панд емайди, кам бўлмайди, деган маънода тундандик.

**Носир РИХСИЕВ,
Тухтасин ФАНИЕВ.**

**БОЛАЛАР ХУРСАНД
БЎЛИШДИ**

Республикаимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам болалар спортини ривожлантириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Фарзандларимизнинг спортга бўлган муносабати тубдан ўзгариб бораёпти. Вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси навбатдаги хайрли ишга қўл урди.

Куйичирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигида илгари ғарибгина спорт зали бўларди. Кейинчалик у молхонага айлантирилди. Бунинг олдини олиш эса, ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмади. Ниҳоят, бундан тўрт ой муқаддам спорт залини асл ҳолига қайтаришга киришилди. Шу мақсадда «Омад» қурилиш ташкилоти 21 нафар қурувчи, хўжалик эса, ўз ҳисобидан 23 миллион сўм ажратди. Кунни кеча ушбу спорт мажмуасини фойдаланишга топшириш маросими

бўлиб ўтди. Унда вилоят Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси туман мактабларига 5 миллион сўмлик спорт анжонларини тақдим этди.

Тадбирда бошқалардан кўра болалар кўпроқ хурсанд бўлишди. Чунки, энди улар ўз тенгдошлари қатори спорт билан бемалол шуғулланишлари, бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари мумкин.

Туманда юз мингга яқин киши яшайди. Шундан 23 мингдан ортиги ёшлар. Уларга спорт билан шуғулланиш учун шароит яратиш бемалол ҳаракат бор. Айни пайтда 80 фоиз мактабнинг спорт заллари тўлиқ таъмирдан чиқарилгани ҳам шундан далолат беради.

Хуришда НАЗАРОВА.

«Тошкент ҳақиқати»нинг

муҳбири.

М. АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ТАХТА УСТИДА АДИБЛАР

Тахририят ўтган дам олиш кунини Бўстонлик тумани Чорбоғ ҳудудида жойлашган «Ёзувчилар» дала-боғида мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган шохмот мусобақасининг яқунлов қисмига таклифнома олди.

Табиийки, бу бизда қизиқиш уйғотди. Таклиф қилинган жойдан қолма, деган нақлга амал қилиб, ўша кунни мусобақа жойида ҳозир бўлдик. Ўзбекистон Қаҳрамонлари Озод Шарафиддинов ҳамда Эркин Воҳидовлар бошчилик қилган ушбу мусобақада қирқ нафарга яқин олимлар, адиблар, шоир ва ёзувчиларимиз шохмот тахтаси устида чинакамга «жанг» ўтказишди.

Ғолиблар билан танишинг. Фахрли ўринни Эркин Воҳидов, иккинчи ўринни Беғали Қосимов ҳамда учинчи ўринни Насриддин Муҳаммадлар эгаллашди. Миллий анъаналаримизга кўра, ғолибларга тўн кийдирилиб, мукофотлар топширилди.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

БАРЧА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2003 йил 1 августдан электр энергия тўловлари учун истеъмолчи гуруҳлар бўйича қуйидаги янги тарифлар тасдиқланди:

I гуруҳ. Қуввати 750 кВт ва ундан юқори бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар икки ставкали тариф — 1 кВт.с учун 12 сўм 55 тийин.

II гуруҳ. Қуввати 750 кВтгача бўлган саноат ва унга тенглаш-

тирилган истеъмолчилар — 1 кВт.с учун 17 сўм 50 тийин.

III гуруҳ. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш корхоналари, шу жумладан, бюджетдан молиялаштирилган насос станциялари — 1 кВт.с учун 14 сўм 30 тийин.

IV гуруҳ. Электрлаштирилган темир йўл ва шаҳар транспорти (электроулов) — 1 кВт.с учун 17 сўм 50 тийин.

V гуруҳ. Носаноат истеъмолчилар, бюджет ташкилотлар, шаҳар кўча ёритгичлари — 1 кВт.с учун 15 сўм 35 тийин.

VI гуруҳ. Савдо ташкилотлари, кафе, ресторан ва маиший хизмат шаҳобчалари — 1 кВт.с учун

34 сўм 00 тийин.

VII гуруҳ. Аҳоли пунктлари — 1 кВт.с учун 14 сўм 30 тийин.

Электр плиталар билан жиҳозланган уйлар аҳолиси — 1 кВт.с учун 7 сўм 15 тийин.

VIII гуруҳ. Иситиш эҳтиёжлари, иссиқ сув билан таъминлаш ва со-

вутиш (кондиционерлаш) учун сарфланадиган энергия

— 1 кВт.с учун 34 сўм 00 тийин.

IX гуруҳ. Реклама ва иллюминация — 1 кВт.с учун 110 сўм 00 тийин.

X гуруҳ. Энерготизим хўжалик эҳтиёжлари учун

— 1 кВт.с учун 14 сўм 20 тийин.

«Тошкент электр тармоқлари» акциядорлик жамияти бошқаруви маъмурияти.

Маълумотлар учун телефон: 133-78-18.



«ЎЗАРО ЁРДАМ — 2003»

Маълумки, ҳамкорлик ҳамisha яхши самара келтиради. Бу гал ҳам шундай натижага эришилди. Хитой Халқ Республикасида бир неча кун давом этган Шанхай ташкилотининг «Ўзаро ёрдам — 2003» деб номланган терроризмга қарши биринчи марта ўтказилган ўқув-машқлари ниҳоясига етди.

— Террорчиликка қарши махсус бўлинма, — деб шарҳлади ўқувнинг боришини «Новости» ахборот агентлиги, — аҳоли маканида шунчаки гаровга олинган кишиларни қутқариш ҳамда тоғлиқда жойлашган жангарилар базасини йўқ қилиш борасидаги малакаси ва маҳоратини намойиш этди.

ТИНЧЛИК ЎРНАТИШ МАҚСАДИДА

Ҳамма нарсадан улғу қадрият бу тинчликдир. Шу мақсадда Либерияда хайрли қадамлар қўйилди, десак янглишмаймиз. Ушбу воқеалар арафасида қуйидаги ишлар бўли бўлди. Президент Чарлз Тейлор истеъфога чиқиб, пойтахт Монровияни тарк этди. У қўшни Сьера Леоне билан бўлган ҳарбий жиноятларда айбланган эди. Собик раҳбар Нигерия пойтахти Абиджанга келиб тўхтади. Айтишларича, унга бу ерда сиёсий бошлана берилар эмиш. Либерияда тўлиқ ҳокимият Мозес Бла қўлига ўтди. У октябрь ойигача — муваққат маъмурият тузилгунча, раҳбарликни амалга оширади. Мозес Бла исёнкорлар томонини тинчлик ўрнатишга даъват этиб, уларга бош вазир лавозимни берилажаклигини ваъда қилди. Шунингдек, у АҚШни янги ҳукумат тадбирларини қўллаб-қувватлашга чақирди, деб хабар берди «Reuters» агентлиги.

ВАКИЛ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Буюк Британиянинг Австралиядаги вакили ўзига хос нуфузга эга. Яқинда қиролича Елизаветта IIнинг янги конституциявий вакили генерал-майор Майкл Жефри садоқат ҳақида қасамёд қабул қилди. Маросимда собик вакил Питер Холлингворфнинг кўнгилдагидек фаолият кўрсатмаганлиги қайд этилди.

ЭБОЛГА ҚАРШИ ВАКЦИНА ТОПИЛДИ

Инсон соғлиғига жиддий таҳдид солиб турган хавфли юқумли касалликлардан яна бирига қарши кураш чораси топилди. АҚШ олимлари ўта хавфли эбол хасталиғига қарши тез ва самарали таъсир этувчи вакцина яратишга муваффақ бўлди.

АҚШда чоп этиладиган «Nature» журналида эълон қилинган ушбу хабар тиббиёт мутахассислари учун қутилмаган янглик бўлди. Чунки кўплай олимларнинг башоратларига кўра, эболга қарши вакцина камида ўн йилдан сўнг яратилиши мумкин эди.

Мутахассислар вакцинанинг дастлабки синовини маймунларда ўтказди. Маймунларнинг биринчи гуруҳига гуруҳига инъекция ўйли билан вакцина, иккинчи гуруҳига эса плацебо берилди. Бир ойдан сўнг иккала гуруҳдаги маймунлар сунъий равишда эбол билан касаллангиларди. Натижада иккинчи гуруҳдаги маймунларнинг барчаси нобуд бўлди. Касаллик уларнинг ички тўқималарини батамом емириб юборган эди. Вакцина қабул қилган биринчи гуруҳ маймунлари эса омон қолди.

ЛИНДАДАН ЭПЧИЛИ ЙЎҚ

Германиянинг Куйи Саксония вилоятидаги Норден шаҳрида яшовчи Линда Томсен шу кунларда бутун мамлакат оммавий ахборот воситаларининг назарини ўзига қаратган. Сабаби: 28 ёшли ошпаз аёл картошка тозалаш борасида жаҳон рекордини янгилади.

У 10 дақиқада 10,49 килограмм картошкани тозалаб ташлади. Бу эпчиллиги учун у энди Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олиши мумкин. Этироф этишича, агар шундай шарафга муяссар бўлса, Линда хоним ўзини бағоят бахтиёр ҳисоблайди.

«Аввалги рекорд кўрсаткич — 5,4 килограммдан икки баробар кўп картошкани шунчалик қисқа вақтда тозалай олишимга ўзимнинг ҳам кўзим етмаганди, — деди у журналистларга қувончинини ичига сиғдирилмай. — Аммо, кўриб турганингиздек, уринган имкон топар экан».

Мазкур рекорд шу кунлари Европани ўз забтига олган жазирама иссиқда 56 уста пазанда иштирок этган мурасасиз баҳода ўрнатилди.



Шарҳловчи минбари

ЕВРОПА ЖАЗИРАМА ҚУЁШ ОСТИДА

Бу йил Фарбий Европа мамлакатларида ёз анча қийин кечмоқда. Иқлимнинг кескин ўзгариши нафақат Европанинг Ўртаер денгизи қирғоқлари бўйидаги, балки Алп тоғлари этагидаги мамлакатларига ҳам таъсир кўрсатаётир.

Франция ва Испанияда соядаги ҳароратнинг 40 даражадан ошиб кетиши одатий ҳолга айланди. Бундай жазирама кекса ёшдаги ҳамда юрак ва ўпка хасталиклари билан оғриган одамларга салбий таъсир кўрсатаётир. Шунингдек, жазирама натижасида вужудга келган ёнғинлар ва қурғоқчилик мазкур мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар етказмоқда.



Об-ҳаво мониторинги хизматларининг маълум қилишича, иссиқ натижасида Алп тоғларининг тўрт минг метр баландликдаги музликлари эрий бошлаган. Мазкур ҳудуд ҳеч қачон бундай даражадаги иссиқлик зонасига тушмаган экан.

Мутахассислар музликлар эришига асосий омил Сахрои Кабирдан Европага келаётган иссиқ ҳаво оқимидир, деган фикрни билдирмоқда. Уларнинг таъкидлашича, ҳозирги вазиятда баландлиги 4807

метр бўлган Монблан тоғи ҳамда Алп тоғларининг бир неча чўққисигина «абдий қор»ларини сақлаб қолиши мумкин.

Италиялик биометереолог Франческо Менегуццо Фарбий Европа мамлакатларида жазирама сентябрнинг ўрталаригача давом этажигини маълум қилди. Унинг фикрича, бундай жазирама туришига Шимолий ҳамда Ўртаер денгизлари соҳилларида мувозанат бузилиши сабаб бўлаётир. Олим келаётган кунда Фарбий Европа мамлакатлари учун шиддатли ёмғирлар ва кучли сув тошқинлари хавфи ҳам мавжудлигини айтди.

Бироқ об-ҳавошунослар Франция ва Испанияда шу ҳафта ичида ҳарорат 5-10 даражага пасайишини башорат қилмоқда. Метео-Франс агентлигининг маълум қилишича, ҳафта охирида Франциянинг маркази ва шимолида ҳарорат пасаяди.

Испания метеорология институти ҳам ҳарорат пасайишини башорат қилаётир. Ҳафта охирига келиб, Испания шимоли-ғарбида ҳарорат 10, қолган ҳудудларда эса 4-5 даражача пасайиши кутилмоқда.

Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Турфа олам

ЖУМБОҚ...МОМАҚАЛДИРОҚ

Болалигимиздан момақалдиरोқ билан таниш бўлсак ҳам, у ҳамма вақт юрагимизда кўржув ва ҳаяжон уйготаверади. Бежиз эмас: олимларнинг фикрича, чақмоқ ва момақалдироқнинг ҳали ечилмаган қирралари, топилмаган жумбоқ «туҳфа»лари анчагина.



Шунинг учун ҳам момақалдироқлар фан учун янгидан-янги «топишмоқ»ларни ҳозирлаб турибди.

Сўнги вақтларда момақалдироқлар ер юзидаги иқлим шароитига таъсир ўткази олади, деган тахмин ўз иботини топмоқда. Ҳаммаси оддий. Шаҳар ҳавосининг бузилиши момақалдироқларнинг кўпайишига туртки бўларкан. Ушбу табиат ходисаси чоғида эса, коинот озон билан тўйинади, демак, момақалдироқ қанча кўп бўлса, ҳавода шунча кўп озон моддаси тўпланади.

ОЙДАН ҲОВЛИ ОЛИНДИ



Литвалик 52 ёшли Римантас Бендорюс олдинни кўзлайдиган ишбилармон. Айнан шунинг учун у келажаги ҳақида аввалдан қайғура бошлади. Ҳазилакам гапми, бугун бир ерда ер қимирлаб, сув тошиб ётса, бошқа жойда олимлар охирзамон ҳақида гапириб туришса... Шунинг учун ҳар эҳтимолга қарши Бендорюс Ойдан икита ер майдони харид қилди. Бири Совуқ денгиз ёнида, иккинчиси эса Камалак кўрфазидан сал бери-роқда. Узоқ уйқусиз кечаларда у Ойга бориб, келажак режаларини тузиб ётади.

Дарвоқе, агар сизда ҳам Ойдан ер майдони олиш хоҳиши бўлса, марҳамат. Фақат каттагина миқдорда пулингиз бўлса, бас, кўркмай, Париждаги Ой ерларини рўйхатга олиш марказига мурожаат қилаверинг.

ВЕРДИ ҚАНАҚА ОДАМ ЭДИ

Жузеппе Вердининг ташқи қиёфаси ниҳоятда хунук бўлган экан. У ҳамisha чечак тошган рангпар юзини каттагина соқоли ва кенг ай-вонли шляпаси соясида яшириб юришга уринган. Табиати ҳам ташқи қиёфасига монанд бўлган: одамови, хафагазак, ҳеч ким билан чиқиша



олмайдиган, жиззаки ва қайсар экан. Ж. Вердининг учта энг яхши опералари — «Риголетто», «Трубадур» ва «Травиата» бўлган. Эндликда одамлар шундай буюк инсонларнинг ёмон фазилатларга эга бўлганлигини эшитиб, обдон таажжубланмоқдалар.

Турфа олам

КЎШИК БАЙРАМИ ЯКУНЛАНМОҚДА

"Ўзбекистон кўшиқ байрами" танловининг якунловчи босқичига тайёргарлик бошланди.

Айтиш жоизки, мазкур тадбир бадий юксак музикий асарлар – "Ўзбекистон - Ватаним" гоясини очиб берувчи, халқимизнинг яратувчанлик меҳнатини шарафловчи, инсонларни она ерни асрашга ва унинг мустақиллигини кўз қорачигидек авайлашга даъват этувчи кўшиқлар байрами сифатида ташкил этилган. Танлов юксак савиядаги бадий асарларга кенг йўл очиш мақсадида ўтказилмоқда.

Ўзбекистон кўшиқ байрамининг якунловчи босқичида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, турли вазирликлар – халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, маданият ишлари, мудофаа, ички ишлар вазирликларида, бир қанча кўмиталар, идоралар ва ташкилотларда ўтказилган босқичлар ғолиблари иштирок этди.

Мазкур танлов низомига кўра, тақдим этилган музикий асарлар бешта номинацияда – мақом, фольклор асар, хор, академик ва вокал-чолғу ижро бўйича баҳоланади. Ғолиблар учун ўн та мукофот кўзда тутилган. Биринчи ўрин учун – битта, иккинчи ва учинчи ўринлар учун – учтадан ва учта рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланган. Бундан ташқари, алоҳида иштирокчиларни тақдирлаш учун республика "Маҳалла" хайрия жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Олтин мерос", Амир Темур жамғармалари ўз совринларини таъсис этди.

Танловнинг якунловчи босқичи ғолиблари Халқлар дўстлиги саройида 17 августда бўлиб ўтадиган гала-концертда иштирок этадилар.

Ў.А.

Шеърят

БОШБУЛОҚ

Олис юриб, қайси жойдан Бошбулоқ,
Шаффоф бўлиб чиқармисан йўлимга,
Чўққиларин оқ ўраган тоғ йироқ,
Бағридан жом тутармисан қўлимга.
Сенда ўтган шўх ёшлигим ёдимда,
Ёзда салқин, қишда илиқ ўйнардиг,
Ер бағридан ўйноқлаб кўз олдимда,
Роҳатижон софлигингни сўйлардиг.
Ариқ тўла шошқинлигинг хислатли,
Равонлигинг авж олсада, тиниқдиг,
Сумбулага йўлдошмисан ҳикматли,
Тоғ бағрини қучиб, сизиб чиниқдиг.
Бошбулоғим, келдим яна қошинга,
Мен кексага шарбат тутиб шод этдиг,
Ҳаётлисан ёш қўшилар ёшинга,

Она знинг буюк меҳрин ёд этдиг.
Сен умримнинг шаробисан бир умр,
Келиб яна сипқораман ёз дамда,
Ҳар зарранда кўргум жонимга ҳузур,
Шода-шода жилғалар бор ўлкамда.
Катта-кичик жомларда сен мавж уриб,
Кўпирасан, бол нафасинг елтур сен,
Илҳом келди сени яна шод кўриб,
Хизматингни элга мангу элтур сен.

ТЎРТЛИКЛАР

Нур билан мунаввар замину осмон,
Ҳаётнинг меҳридан улғаяр жаҳон,
Тўғри йўл элтади қутилган жойга,
Мақсадла олдинга интилув инсон.
Дилга йўл топмасин нохуш тажанглик,
Боқмасанг юракни тутуди занглик,

Инсоннинг излаган дунёси билим,
Билим-ла ечилар муаммо, танглик.

Кенгашу хушсуҳбат ҳаёт нуридир,
Дўст қадрин билмаган йўли турлидир,
Мусаффо нафасдан олам яшарар,
Мулоқот, яхши сўз дилнинг кўридир.

Кеч кирса борлиққа чўқар оқшом, тун,
Дунёни ёдуга чўмар чиқса кун,
Табиат қонуни азали шундай,
Куну тун хизматда бор мавжуд учун.

Тонг отса, ҳаракат бошланур ерда,
Жўшқиндир бўлса иш, уним қаерда,
Жаҳоннинг бунёдкор марди инсондир,
Янгилик, гўзаллик яратар элда.

НАЗАРМАТ.

Ибратнома

Биринчи ҳикоят.

Бир хотиннинг биттагина сигири бор эди. Аёл жуда фақир яшар, бор тирикчилигини сигирининг суги билан ўтказарди. Кечки пайт ва тонгда сигирини соғиб, сутини сотарди.

Аёлнинг феъли ёмон, сабр-тоқати йўқ эди. Кўп пул топишни ўйларди. Шу сабабдан сутга сув қўшар, кундан-кунга меъерини оширар эди.



СУТ ҲАҚИДА ИККИ ҲИКОЯТ

Ойлар, йиллар ўтаверди. Кунлардан бир кун қаттиқ бўрон бўлиб, сел келди. Дарадан ўтаётганида, сигирни сел оқизиб кетди.

Аёлнинг йиғлайвериби, кўзлари шишиб кетди. Онанинг бақир-чақирга оқил ўғил:

— Она, нега йиғлайсиз? Сизни неча йилги сут-қатингизга қўшган сувингиз сел бўлиб, сигиримизни оқизиб кетди-ку, — деди.

Иккинчи ҳикоят.

Бир киши денгиз сафарига отланибди. Бир кун кема саҳнида бир маймун унинг ҳаменини олиб қочди ва кеманинг энг баланд жойига чиқиб олди. Ҳаменини олдириб қўйган киши дод солди, фарёд чекди.

Маймун бўлса, юқорида ўрнашиб ўтириб олди. Ҳаменини очиб, ичидан бир олтин чиқарди, диққат билан қараб томоша қилди-да, денгизга отди. Сўнгра яна битта олтин олиб, унга тикилиб нима қилишини билмай турган у кимсага отди. Шундай қилиб, маймун олтинларнинг бирини денгизга, бирини ҳаменини олдириган одамга отаверибди.

Жабрдийданинг ичи куйиб, ҳаяжондан хушини йўқотаёзди. Бу ҳодисани кузатиб турганлар: — Ажаб иш! Кемада буюк бир олим-сайёҳ бор. Кел, бу масала тафсилотини ундан сўрайлик, — деб маслаҳат бердилар.

Ҳаммалари бориб, олимга бўлган ишни тусунтирдилар. Олим:

— Сен нима иш қиласан? — деб сўради.

У одам:

— Сутчилик қиламан, — деди.

Олим:

— Сутга сув қўшармидинг? — деди.

У одам:

— Ҳа, баъзан сут оз бўлганида, кўшар эдим, — деди бошини эгиб.

Шунда олим:

— Ҳаммаси равшан, денгизга отилгани сув пули, сенга отилгани эса сут пули, — дебди.

Изох: сутчилик покликни талаб қилади. Барча гўдақлар сут билан ўсади, қанча беморлар сутли овқат еб, шифо топадилар. Шунини била туриб, сутга сув қўшиш қатта гуноҳдир.

К. ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.

Масал


ПАШША ВА АСАЛАРИ

Бир кун пашша асаларига жаҳл қилиб, бундай деди:

— Сен шундай бир аҳмоқсанки, асал йиғаман, деб қирларни, водийларни кезиб, овқат тўплайсан. Шунча машаққатинг эвазига йиққан болингни ярмини ўзинг еганингда ҳам майли эди. Мана мен ҳамма вақт зиёфатларда ширин овқатлар ейман, ажойиб шарбатлар ичаман, маза қилиб яшайман, ўзимга қарайман.

— Ана холос! Аслида аҳмоқ сенсан, аммо буни идрок қилиб, тушуна олмайсан. Борган жойларингда одамлар сендан ирганиб қўлларига нима тушса, ўша нарса билан урадилар, ҳайдайдилар, сендан нафратланадилар. Ўзингга ўхшаш пашшаларнинг мингларчаси ўлдирилаётганини кўриб турасану, мени ҳам бир кун шундай ўлдиришлари мумкин, деган фикр ақлингга келмайди, ибрат олмайсан. Мен қирлар, водийларни кезиб, йиққан асалимни ўзим емайман, аммо еганлардан меҳр-муҳаббат, ҳурмат, эъзоз кўраман. Бундан ифтихор этаман, қувонаман, — деб жавоб берибди асалари.

Бир хил одамлар пашшадай хира бўлиб, ишламасдан, бошқаларга юк бўладилар. Инсон ўз ҳунари, меҳнати маҳсулидан қувонса, фахрланса, қандай яхши. Ҳаром емишнинг охири паришонликдир.



А. ҲАКИМОВ чизган расм.

№ 2002

Тошкент вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт бош бошқармаси жамоаси бош бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари Шохиста Муртазаевна Файзуллаевага турмуш ўртоғи **Ҳикматилла ҚОРАХЎЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси жамоаси Тошкент вилояти Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Шохиста Муртазаевна Файзуллаевага турмуш ўртоғи **Ҳикматилла ҚОРАХЎЖАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Ҳатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзиллими:3:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
морказида терилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.